



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТА
1918 йил
21 июндан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 206 (20. 773)

1990 йил 9 сентябрь, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

Янгиликлар,
воқеалар,
шарҳлар

Жумҳурият Президенти
Фармони ва ўқиб
МИННАТДОРЧИЛИК
СЎЗЛАРИ

ТАШАККУР

Сир эмаски, талабаларнинг ўқиш жараёнида ота-оналаридан олаётган моддий ёрдам оила бюджетига катта таъсир қилади. Стипендиянинг оширилиши бизга ҳам, ота-оналаримизга ҳам анчагина ёрдамдир.

Жумҳуриятимиз Президентининг студентлар тўғрисидаги бу фармони турмуш муаммоларини анчагина енгиллаштиради. Жумҳуриятимиз Президентига бу фармон учун ташаккур деймиз.

Шерзод ШУКУРОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти 3-курс талабаси.

ОТА-ОНАЛАР ДУОДА

Кейинги пайтда студентларнинг ҳам кўкрагига шомол тегиб қолди.

Биз каби йигит-қизлар учун бир ойда 40 сўм миқдорда олинадиган стипендия нима ҳам бўларди! Уйдагиларнинг ёрдам беришга имконияти бўлса майли-я, қурб етмасачи!

Шу жиҳатдан олганда жумҳуриятимиз Президентининг Фармони студентларнинг ҳаётига нурдек кириб, уни ёритгандек бўлди. Ишонаманки, Фармонимиз ўқиган ота-оналаримизнинг ҳам қувончига-қувонч қўшилипти. Улар қафсларини очиб, ўзидан йироқда таълим олаётган нур дийдаси қаторида ҳукумат раҳбариятининг ҳақиқига ҳам дуо ўқишга ётган.

Б. АХМЕДОВ,
Тошкент политехника институти энергетика факультетининг 3-курс талабаси.

МАДАД

Ленинград станоксозлик заводида ўқув-ишлаб чиқариш машгулотларини ўтаб қайтган куним институтдошларим қувончига мен ҳам шерик бўлдим. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармони кўнглимизни кўтариб юборди.

Биз каби талабаларнинг стипендияларини оширишганиги, айниқса, ижарада яшаш...

ётган, оиласи камҳарж студентларга катта мадад бўлди. Энди биз шундай ғам-хўрликка жавобан чуқур билим олишимиз, жумҳурият халқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўладиган билимдон мутахассислар бўлиб етишимиз керак. Фармонининг моҳиятини мен шундай тасаввур қиламан.

Ойбек ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент машинасозлик институтининг 3-курс талабаси.

САХОВАТ

Халқимизда меҳр кўрган кам бўлмас, деган гап бор. Биз ёшлар жумҳуриятимиз раҳбарияти томонидан саховатшоналик билан кўрсатилган меҳр-оқибатнинг гувоҳи бўлдик. Бизнинг техникумда ёшларнинг билим олиши, жисмоний камол топишига алоҳида эътибор берилди. Ўтир, Мана энди тенгқурларим ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди.

Мен ҳозирча 30 сўм атрофида стипендия олардим. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонидан кейин бундай моддий манфаатдорлигимиз янада ортиши тўғрисида гап. Биз ёшлар бундай меҳрибонликка яраша яхши ўқишга, ўз соҳамиз бўйича етук мутахассис бўлишга ҳаракат қиламиз.

Зоҳид ЗУФАРОВ,
А. Абдураҳмонов номдаги Тошкент тўқимачилик сановити политехникуми талабаси.

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Тўрт фарзандимдан учтаси студент. Уларнинг яхши ўқиши, камоли инсон бўлиб воқеа етиши учун имкониятим бори-ча ҳаракат қиламан. Ўзим емай-едиргим, киймай-кийдиргим келди. Стипендиянинг бир йўла 30 фоизга кўпайтирилиши ҳазилакам гап эмас. Фарзандларимизнинг камол топиши, куч ва ғайратларини кўпроқ бевосита ўқишга, билим олишга сарфлаш учун бу катта имконият, шарт-шароит яратиб беради. Биз ота-оналарнинг ўғил-қизларимиз тақдирини, ҳаёти ҳақидаги ташвишларимизни илғаб олиб, мадад бўлаётган жумҳуриятимиз раҳбариятидан миннатдоримиз.

Раимза АМИНОВА,
Тошкентдаги 116-мактаб ўқитувчиси.

ДОРИЛФУНУНДА ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

Фаннинг Шарқдаги бешиги — Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллиги арафасида бу ерда талабалар байрами ўтказилди. Тантанада илм-фанни сабот билан эгаллашга интилиш, ўз истеъдоди ва қобилиятини Ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга иштиёқмандлик — ҳар бир талабанинг бурчи эканлиги таъкидланди.

Суратда: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов талабаларга қарата нутқ сўзлаётган пайт.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).



Тошкент давлат дорилфунунининг биринчи курсига кираётган талабаларни тантанали равишда табриклаш маросими бўлди. Бу маросимда олий ўқув юртининг муаллимлари, партия ва совет идораларининг, вазирликлар ва маҳкамаларнинг вакиллари қатнашди. 2200 талабанинг ҳар бирига топширилган ёлмома шундай сўзлар билан бошланди: «Қадрли дўст! Энди сен Ўрта Осиёдаги энг кекса олий ўқув даргоҳларидан бири — В. И. Ленин номидан Тошкент давлат дорилфунунининг талабасисан. Сени табриқлаймиз!».

Талабаларнинг бу галги байрами шонли сана — дорилфунунининг 70 йиллигига бағишланди. В. И. Лениннинг Декретига мувофиқ барпо этилган ва Шарқдаги илм-фан маскани бўлиб қолган, бу олийгоҳ дастлабки пайтларда Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларидан ва Қозоғистон-

дан келган йигит-қизларни ўқишга қабул қилган эди. Ҳозир бу ерда 40 дан кўп миқдорида мансуб 11 мингга яқин талаба, шунингдек дунёнинг 35 мамлакатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов янги талабаларга мурожаат этиб нутқ сўзлади. Малакали кадрлар ўқиш бўлими дорилфунун халқ хўжалигининг қўлига тармоқлари учун ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқда, деб таъкидлади у. Иқтисодий мустақиллик йўлига ўтиб олган жумҳурият ҳозир саводли ва иқидий фикрлайдиган кишилар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Илм-фанни сабот билан эгаллашга интилиш, ўз истеъдоди ва қобилиятини Ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга иштиёқмандлик — ҳар бир талабанинг бурчидир.

ТошДД ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов байрамнинг барча қатнашчиларини янги ўқув йили бошланганлиги билан табриклади.

Дорилфунун майдонидаги байрам охирида катта концерт қўйилди, уни ТошДД талабаларининг иқидий жамоаси — ҳаваскор театрлар — «Саратон-89» халқаро конкурснинг лауреати «Маятник» студияси, «Ўзбекистон қизлари» рақс жамоаси, «Хушрўй» ашула-чолғу ансамбли тайёрлаган эди.

Тошкент дорилфунун байрамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Х. Ҳамидов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Вилоят партия комитети биринчи котибларининг йўқламаси

ҲАММА ИШНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Сийсий ва иқтисодий мустақиллик турмуш тарзини асоси бўлиб қолаётган, бозор иқтисодиётига ўтиш кун тартибига қўйилаётган ҳозирги пайтда кадрлар билан ишлашни тубдан қайта қуриш, бу ишни давр талабларига монанд ташкил этиш даврийнинг энг муҳим ва туб вазифаларидан бўлиб қолди.

Вилоят партия комитети ана шундан келиб чиқиб, кейинги вақтларда кадрлар билан ишлашни демократиялашга, бу борада ошқораликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. КПСС XXVIII съездининг шу ҳақдаги қўрсатмаларига амал қилиш партиявий ишнинг муҳим жабҳаларидан бири ҳисобланган кадрлар тарбиясини янада жонлантиришга имкон берапти.

Ҳозир бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ҳар бир ташкилот, корхонага демократик асосда раҳбар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шунинг ҳисобга олиб

П. М. АБДУРАҲМОНОВ,
КПСС Марказий Комитети аъзоси,
Самарқанд вилояти партия комитетининг биринчи котиби



борга олинмасди. Натижада бундай ташкилотларда янги раҳбар неча йил ишламасин, ҳамжиҳатликка, ишнинг қўнғилдагидек йўлга қўйишга эришолмасди. Энди вазият тубдан ўзгарди. Ана шундай пайтда вилоят партия комитети кадрлар масаласи нақадар муҳимлигини ва уни тўғри ҳал этиш муваффақиятлар гарови эканлигини англаб етди. Бундай таъкидотни ўтказишимизга яна бир сабаб 1990 йилда шаҳар, район, вилоят партия конференциялари бўлиши қўнғилда эди. Вилоят партия ташкилотини ҳаётида муҳим давр бўлган бу кампанияни ўтказиш биздан алоҳида масъулият ҳам талаб қиларди.

Ушбу таъкидотдан қўзаланган асосий мақсад партия фаолларининг мазкур партия комитети бюроси фаолиятини умуман ва унинг ҳар бир аъзоси ишнинг қандай баҳолашини билишдан иборат эди. Бундай таъкидотлар Каттақўрғон, шаҳар, Оқдари, Булунгур, Жомой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пастдаргом, Пахтачи, Самарқанд, Советобод ва Хатирчи район партия комитетларида ўтказилди.

Социологик сўровларда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка номзодлар, таътиш комиссияларининг аъзолари, юқорида тилга олинган шаҳар ва район комитетларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Жами 1615 кишига сўров варақалари тарқатилди. Бу уларнинг фикрларига таянган ҳолда маълум ҳулосалар чиқариш, конференцияларда қўриб чиқиш учун тавсияномалар тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Сўров натижалари биз учун баъзан умуман қўнғилда қўнғил бўлди. Илгаридан партия фаолларининг кўпчилиги қисми (72,4 фоиз) ўз партия комитети фаолиятини қўнғилда деб баҳолади. 70,1 фоиз қисми эса партия комитетларининг ҳозирги таркиби раҳбарлигининг сийсий услубларини қўллашга қодир, мураккаб вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, масалаларни ҳал этишда тўғри йўл топа олади, деб ишонч билдирди. Кўпчилик фаоллар эса уларнинг ташкилотчилик қобилиятларини алоҳида қўрсатишди.

(Давоми иккинчи бетда).

Иқтисодий мустақиллик— сийсий мустақиллик асоси

вилоят партия комитети шаҳар ва район партия комитетларини кадрларни тайинлаш каби иш практикасидадан воз кечиш, бу масалани жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда амалга оширишни талаб қилапти. Вилоят партия комитети томонидан раҳбар кадрлар составини янгиллаш юзасидан кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда вилоят, шаҳар ва район бўлинмалари, совет ва хўжалик органларида кадрлар состави деярли янгиланди. Илгарилари йиллар давомида «танқиддан холи» мавқега эга кишилар ўрнига мавжуд аҳволни тузатиш учун интиладиган кадрлар келди.

Бу ишдаги биринчи босқич биз кутган натижаларни деярли бермади. Чунки кадрлар алмашинуви, уларни тайёрлаш ҳамда тарбиялаш учун бизда етарли имконият йўқ эди. Бундан ташқари ана шу «янги» кадрларимиз-

нинг бир қисми турғунлик даври «сабоқлар»ни яхши ўзлаштириб олган ва ундан қўнғил иқтисодий тополмаётган кишилар сира-сидан эди. Аммо бундан кадрлар резерви фанат қозғолинига бўлган, қолаверса, турғунлик даври ҳам ўз мавқеини осонликча бермади, деган ҳулосага келиш мумкин эмас.

Келинг, бу ҳусусда шонли ҳулоса чиқармайлик ва ўша пайтлардаги вазиятни атрофда таҳлил қилайлик. Ўтган йил охирида вилоят партия комитети ҳузуридаги социологик тадқиқотлар кенгаши вилоятнинг айрим шаҳар ва район партия комитетларида ўтказган тадқиқотлари ҳақидаги ҳулосани тақдим этди. Бундай тадқиқот бизга нима учун керак эди? Маълумки, илгарини пайтларда кадрлар олмашинуви асосан юқори органларнинг қўрсатмаси ва тавсияси асосида ўтказилди, бевосита ўша партия ташкилотчи ҳисобида турган коммунистлар фикри унча эъти-

ларни обуна қилиш учун сарф-лаймиз.

Имтиёзли обунанинг маъмури шундан иборатки, бу имкониятга эга бўлган кишилар «Совет Ўзбекистони» рўзномасига обуна бўлиш учун унинг эски нарҳида, яъни 7 сўм 80 тийин пул тўлайдилар, қолган қисmini эса колхоз ҳисобидан берма-миз.

Оқубобоев номли колхоз районодаги илгор хўжаликлардан бири. Кейинги йилларда бу ерда кишлоқларда тўпаниб қолган иштинomial муаммоларини ҳал этиш соҳасида яхши ишлар қилинди. Жумладан, пенсионерлар, ҳуқуқат ордени ва медалларнинг иштирокдорлари ва кам даражали оилаларга колхоз ҳисобидан қўнғилча нафа-

қалар бөлгиланди. Рўзнома муштарийларига имтиёзли обуна ташкил этилган ҳам кишиларга яратилган қўлайлиқнинг бир намунасидир. Ўз меҳнати билан колхоз кишига муносиб ҳисса қўшган кишиларга шу ҳилда ёрдам ташкил этилаётгани кўпчиликки мамнун қилапти. Жумладан кекса коммунист Жўрабой ота Ҳамробоев шундай дейди:

— Менинг партия сафига кирганимга 50 йилдан ошди. Ҳаётим партия ҳаёти билан chambarsan боғланиб кетган. Эллик йилдан бери «Совет Ўзбекистони» газетасини ўқийман. Унга обуна бўлишимиз учун колхоз томонидан имтиёз яратилганда партия ветерани сифатида гоёя миннат-

дорман. Тўғри, газетамга обуна учун берилмаган ёрдам учун катта маблағ эмас. Лекин бу ёрдам гап пулда ҳам эмас, балки унинг маънавий томони муҳим эканлигини унутмаслигимиз керак.

Район сув хўжалиги бошқармаси коллективи ҳам худди шундай ташаббус билан чиқди. Бошқарма партия ташкилотчи ҳисобида турган 14 нафар пенсионер коммунистнинг ҳаммаси «Совет Ўзбекистони» рўзномасига бепул обуна қилинди. Бундай ташаббуслар кун сайин кенг ёйилиб бораётгани ҳақида вилоятнинг бошқа районларидан ҳам хушхабарлар келиб турибди.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

• ҲОСИЛ—90 •

Айни кунларда жумҳуриятимизнинг пахта даладариде иш қизиги. Қўллаб-вилоятларда терим бошланди. Бугунги кунда хориамлик миришкорлар беллашувда олдинги сафда боришапти. Ҳар кун йиллик планнинг 1,5 фоизи атрофида пахта топширилмоқда. Уларнинг мавсум бошидан бери уйган хирмонлари йиллик режанинг 11 фоизидан ошди. Фаргона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг пахта корлари ҳам марра сари тобора индам ҳаракат қилишляпти.

Сурхондарё вилоятидаги «Гулбаҳор» совхозига ғўза баргини тўктириш учун дори сеппи ишлари бир кундаёқ тугалланди. Энди эса машиналар далага тушди. 40 та «зангори кема» хирмонга ба-рака киритмоқда. Машиналар билан биринчи теримдаёқ ҳар гектар майдондан 24 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Чевар теримчилар эса 500 тоннадан зиёд пахта териб беришди.

Косон районидаги маршал Чуйков номли совхоз мириш корлари ҳам биринчилар қатори терим машиналарини

далага олиб чиқишганди. Ҳозир 6-бўлимнинг ўзиде 10 та «зангори кема» ҳосилини сарамжонлашда иштирок этмоқда. Хўжалик хирмонига кунига 60—80 тоннадан зиёд дурдона топширилмоқда.

Умуман хўжалик бўйича 1800 гектар майдонга чигит экилган. Миришкорлар режадаги 2850 тонна ўрнига 3500 тонна хом ашё топширишга аҳд қилишган.

Жумҳуриятимизда пахта теримининг бунчалик тез суръатлар билан олиб бори-лиши теримчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик шарофатидир. Уларнинг иш ҳақини ошириш яхши натижа берапти. Бундан хўжаликларнинг ўзлари асло зарар кўришмаляпти. Чунки бу йил улар давлатдан қўшимча 800 миллион сўмдан кўпроқ пул оладилар. Терим учун тўланадиган маблағ эса 300 миллион сўмга етди. Демак, колхоз ва совхозларнинг кас-саларида камиде 500 миллион сўм қолади.

Мана шундай ғамхўрликдан руҳланган пахтакорлар терим суръатини тобора оши-риб бормоқдалар.

Суратда: Косон районидаги Чуйков номли совхознинг илгор механизатори Этамберди Эсонов. У ўз агрегатин билан совхоз хирмонига барака киритмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Африка жанубида жойлашган Бопутатсвана давлати корчалонлари гуруҳи Ўзбекистон ҳаёти билан та-нишмоқда. Улар иттифоқ-дош жумҳуриятлар билан маданият, иқтисодий ҳамкор-лик қилиш имкониятларини аниқлаш мақсадида мамла-катимизга келганлар.

Жанубий Африкадаги мамлакат корчалонларини 8 сентябрь кунини Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши-нинг Раиси Ш. Р. Мирсаи-дов қабул қилди. Ўзлар ўз-она суҳбат чоғида ўзлар манфаатдорлик асосида ма-даный-иқтисодий ва ўзга со-ҳалардаги ҳамкорлик имко-ниятлари қўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

Тошкентда Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходим-лари касаса уюшмасининг таъсис съезди бўлди. Маъ-рузада ва нутқларда янги партияда ушбу жамоат таш-килотини фаолиятининг шакл ва усулларини такомиллаш-тиришга алоҳида эътибор берилди.

Делегатлар мустақил кас-аса уюшмасы уставини ҳам-да унинг 1995 йилгача бўл-ган даврга мўлжалланган фаолият дастурини қабул қилдилар.

Съездда жумҳурият ва мамлакат касаса уюшмалари федерациясига кириш тўғ-рисидаги масала муҳомама қилинди. Жумҳурият ва иттифоқ касаса уюшмалари съездларига делегатлар сай-ланди.

Я. З. Файзуллаев Ўзбе-кистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаса уюшмасининг раиси этиб сайланди.

Съездда Ўзбекистон кас-саба уюшмалари Кенгашининг раиси В. А. Алламуродов, СССР халқ таълими ва фан ходимлари касаса уюшмаси марказий комитетининг ко-тиби В. М. Березин нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ИМТИЁЗ

Наманган районидеги Оқубобоев номли колхоз партия ташкилотини пенсионер коммунистлар, Улуғ Ва-тан уруши ва меҳнат ветеранлари ҳамда илгор колхозчиларини «Совет Ўзбе-кистони» рўзномасига имти-ёзли обуна қилиш ташаббу-си билан қилди. Бу ташаб-бусини колхоз правленчеси, касаса уюшмасы ва колхоз-мол ташкилотларини қизини қўллаб-қувватладилар.

— Коммунист партиямиз госяларини кенг оммага етқа-

• Вилоят партия комитети биринчи котибларининг йўқламаси

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шу билан бир қаторда сўров варақалари тарқатилганларнинг 41,7 фоиздан 26,3 фоизига «партия комитетининг биро аъзолари ўзларига топширилган иш улашларида аҳолини яхшилашга қодирми?» деган саволга «салбий жавоб бердилар, ёки бирор нарса декишга қийнадилар. Масалан, Самарқанд, Нарпай районларида биро аъзоларининг маънавий-сиёсий ишчанлик сифатларини баҳолашда салбий жавоблар 15,1 фоиздан 24,5 фоизгача бўлди. Фақат Каттақўрғон шаҳар партия комитетига ўтказилган сўров иштирокчиларининг 58,3 фоизи, Оқдарё районидан 60,1 фоизи, Жомбой районидан 60,4 фоизи партия комитетлари биро аъзоларининг ҳозирги таркиби ўзларига топширилган иш улашларида аҳолини яхшилашга қодир, деб жавоб бердилар.

Нарпай ва Советобод районларида партия фаолларининг деярли ҳар тўртасидан бири ўз партия комитетининг бюроси фаолиятига салбий баҳо берди. Оқдарё, Жомбой районлари ва Каттақўрғон шаҳар партия комитети фаолларининг қирқ фоизга яқини биро аъзолари ўзларига топширилган иш улашларида шубҳа билдирдилар.

структуралар партия ташкилотларида бошланган барча яхши ишларга бунни истаса ҳам, истамаса ҳам тўсиқ бўлиб қоляпти. Худди ана шундай ҳоллар туфайли кадрлар сиёсатини қайта қўришда партия ташкилотларининг мавқеи маълум даражада пасайди. Улар замон талабидан оғирда қолмоқда.

Аслида борага эга, сиёсий жиҳатдан билимдон ва ишчан кишиларнинг келиши билан қайта қўриш тобора олға силжиган керак эди. Лекин бу ҳол ўзи бермади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётда янги демократик жараёнларнинг юзга келишида худди ана шу сиёсий органлар, яъни шаҳар ва район партия комитетлари биро аъзоларининг ўз вақтида керакли қарорларни қабул қилишдаги сустнашлиги туфайли шундай вазиятлар вужудга келмоқда. Натияжада жойларда инзоли воқеалар тез-тез содир бўлмоқда. Улар асосан юқори органларнинг аралашуви билан ҳал этилаётди. Масалан, ўтган йили Ургут районидан бир неча марта икки кўшни қишлоқ ўртасида низоқ юз берди. Бунда районнинг раҳбар органлари масалани одилона ҳал этиш учун аниқ бир ечим тополмай, томошабин бўлиб қолдилар, холос.

Шуниси ачинарлики, бундай вазиятларда сиёсий раҳбар бўлган партия органларининг

ратиния пухта эгаллаганлиги ҳар қандай кишининг турмушдаги мавқеини белгилайди. Негативи, ўз ишчи урдалатган, одамлар билан алоқа қила олган ва коллективга фойда келтирадиган кишигина замон талабига жавоб бера олади.

Биз раҳбар кадрларни кўпинча маҳкамаларда тажриба ортирган кишилар орасидан излаймиз. Ваҳоланки, фидойи қимсалар бевоқиф ишлаб чиқариш корхоналарида бўлади. Мисол учун биз транспортчи Анвар Ризаевич Ҳасановни Темир йўл район партия комитетининг биринчи котибларининг тавсия этиб ашмадики, У тезда ишончимизни оғлади.

Бизда маънавий тўсиқларни енгиш жуда қийин келяпти. Масалан, жамоа ҳўжалиги раиси албатта агроном, партокм котиби, албатта қишлоқ ҳўжалиги мутахассиси бўлиши керак, деган қоидалар айрим районларда ҳали ҳам устуи. Биз ана шундай яроқсиз практикдан уюл-кесил воз кечни ҳаракатидамиз. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳозир район ижроқўмларининг уч нафари филолог. Пайриқчи районидан «Партия XXII съезди» жамоа ҳўжалиги юрист Эрдош Аҳадов раис бўлиб келгандан кейин бир йил ичиди катта ўзгаришлар рўй берди. Қолоқ қолхоз қаддини ростлаб олди. Хатирчилик Абдухалиқ Ҳалимов, Ургутдан Зойир Зиёев, оқдарёлик Ваҳром Санаккулов, Пайриқидан Мансур Қўшбоев ҳақида ҳам ана шундай илқ гапларни айтиш мумкин.

Кейинги пайтларда кадрлар танлашнинг демократик усули омаллашиб кетди. Аммо бунда ўзгаришчилик ёки гуруҳбозликка йўл қўйиб бўлмайди. Ақ ҳолда «демократик» савол шировадига коллектив муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Пастдарғом ва Оқдарё районларида партия конференциялари чоғида ана шундай ҳолат юз берди. Аҳоли ўрганганда Пастдарғомда кучлар икки гуруҳга бўлинганлиги маълум бўлди. Шу босдан, биз район партия комитетининг биринчи котибларига холис киши — шу райондан этилиб чиққан, область ташкилотиди ишлайтган М. Мамаиновни тақлиф этдик.

Самарқанд ўзига хос муҳитга эга бўлган вилоят. Буюк ипак йўлининг мактаби ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Шу босдан чет эллардан келаятган ускуна ва жиҳозлар, кундалик эҳтиёж моллари кўпайиб бормоқда. Иштихонликлар эса чет элга пахта, пилла ва майизни ўзлари мустақил сотишга қарор қилдилар. Пландан ташқари тайёрланган ҳосил учун ҳозирнинг ўзидеёқ шартномалар тузилди.

В. И. Лениннинг «Оз бўлсину соз бўлсин» деган гапи бор. Мен кадрларнинг узундан узоқ рўйхатини тузиб юришни керак эмас деб ҳисоблайман. Давр шитоб билан ривожланаётган пайтда ишбилармонлик ўз-ўзидан етакчи позицияни эгаллайди.

Партиявий ишга алоқаси бўлмаган кадрлар ҳусусида. Уларни маълум вазифага тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳам партия органнинг обрўсини туширмайди, аксинча, унинг сиёсий раҳбар сифатиди мавқеини кўтради, ошқоралик ва демократияни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда вилоят партия комитетиди кадрлар резерви билан ишланнинг янги системаси вужудга келтирилган. Бу система принциплари шу билан характерлики, кадрлар резервини шакллантириш ва улар билан ишлаб бошлангич партия ташкилотлари фаол иштироки билан амалга оширилади. Номенклатурадаги вазифаларга кадрларни тавсия этишда ҳам бошлангич партия ташкилотлари фикри қатъий ҳисобга олинмоқда.

КПСС XXVIII съезди бизга янги ҳаракат дастурини берди. Яқин келаякдаги вазифамиз ана шу қарорларни амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқдир. Бу вазифалар кадрларимизни нафақат иш, балки фикрлаш тарзини ҳам кескин қайта қўришни тақозо этади. Ниҳоятда катта куч ва масъулият талаб қилаётган давр бошланаётди. Биз фақат кадрлар билан ишлаш борасиди ўз фаолиятимизни тобора тақомиллаштириб, уни давр руҳига мослабгина янги муваффақиятларга эришимизимиз мумкинлигига аминимиз.

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси «Партиявий-оммавий ахборот воситалари тузилиши тақомиллаштиришнинг базис чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда жумҳуриятимизда яшайтган қозоқ миллига мансуб аҳоли учун «Дўстлик тузи» («Дўстлик байроғи») газетасини ташкил этиш ва нашр қилиш белгилаб берилди. Бу Ўзбекистонда яшайтган ана шу миллий ақилларнинг қувонтириди. Айни пайтда рўзноманинг қачон муштарийлар қўлига етиб бориши, мазкур рўзнома муҳарриратини ташкил этиш ва умуман, унинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш борасиди ишлар ўқувчилар оммасини қизиқтирмоқда. Шу босдан жамоатчи муҳбиримиз Ахан ТОШМЕТОВ Ўзбекистон ССР Президентининг миллий масалалар бўйича консультанти Ортиқбой Қинабековчи ўқубоев билан суҳбатда бўлди.

— Ортиқбой Қинабекович, суҳбатимизни партия Марказий Комитети Бюросининг мазкур қарори шарҳи билан бошласак. Қарорнинг долзарблиги нимада?

— Ганнинг лўдасига қўчадиган бўлсак, партия ўзи бошлаган қайта қўриш ва ошқоралик туфайли пок-ланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бугун жамятимиз ҳаётининг 70 йиллик тарқиқидида талайгина қамчиликларга йўл қўйганимизни ҳамма билади. Маъмурий-бўйруқбозлик, раҳбарлиқдаги шахсий манфаатнинг умумхалқ ва жамят манфаатидан устуи келиши нафақат сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда, балки, миллий ва миллиятлараро муносабатларда ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Кўп миллиятли жумҳуриятларда туб аҳоли бўлмаган халқларнинг миллий тараққиётига ҳам эътибор берилди. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари ривожига панижа орасидан қаралди. Ошқоралик пайти келиб ҳал қилиниши қийин бўлган мураккаб масалалар қўшимчага яққолроқ қўриш қолди.

Марказий Комитет Бюроси қарорининг долзарблиги ва халқчилиги унинг барча миллиятлар равақини тезлаштириши, миллий маданиятлар ривожига кенг йўл очиб беришидир.

Айни пайтда Ўзбекистонда 800 мингдан ортиқ қозоқ миллига мансуб аҳоли яшайди. Уларнинг ўзлариди яраша талаб ва эҳтиёжлардан бири жумҳурият рўзномасини ташкил қилиш эди. Шунинг учун ҳам «Дўстлик тузи» рўзномасининг ташкил этилиши тўғрисидаги қарорни аҳоли хурсандчилиги билан қабул олдди. Бу туб миллият бўлмаган бошқа халқлар ўртасиди ўзаро ишонч-ни мустаҳкамлаш, миллиятлараро низоларнинг олдини олиш, миллий равақ йўлидаги дастлабки дадил ва салмоқли қадамдир.

— Қарор қабул қилиниши қандай бормоқда? Рўзнома ўқувчилар қўлига тезроқ бориб етиши учун шу кунларда қандай амали ишлар қилинмоқда?

— Бу кўпчиликни қизиқтиратган савол. Энг аввало шунинг айтиш кераклики иқтисодиётда мушкул аҳоли вужудга келган бир вазиятда янги рўзномани ташкил қилиш янча қийин иш. Марказий Комитет Бюроси жумҳуриятдаги вазиятнинг ва қозоқ миллига мансуб халқларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб матбуот ва нашр ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар олдида илжон бориша маблағлардан оқилона фойдаланиш, қисқа вақт ичиди барча рўзномаларни тўлиқ ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, олинган фойданинг бир қисминини уларнинг ўзиди қолдириш тадбирларини ишлаб чиқишнинг муҳим вазифа қилиб қўйди.

Ана шу нуқтан назардан қараганда «Дўстлик тузи» рўзномаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини қоплайдиган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган нашрга айланиши керак. Бироқ бунга эришиш қийин. Босма хона ҳаракатлари, қозоқ нархи, рўзномани муштарийларга етказиб беришчи алоқа хизмати учун тўланадиган халқлар ошмоқда. Жумҳурият Вазирлар Кенгашидан матбуот нашрларини масаласи билан шуғулланувчи комиссия бу муаммони чуқур ўрганмоқда. Шу кунларда «Дўстлик тузи» рўзномасининг моддий-техника базасини яратиш ишлари қизғин бормоқда. Зарур мутахассисларни топиб, журналист ва матбаачи кадрларни саралаш, жой-жойига қўйиш диққат эътиборимизда турибди. Рўзнома 1991 йилнинг биринчи январидан муштарийларга етиб боради. Ҳозир ошуна ишлари қизғин бормоқда. Ўз вақтида унга ёзилган ўқувчи ўйламан-ки рўзномани биринчи бўлиб варақлаш имконига эга бўлади.

— Яна бир савол: «Дўстлик тузи» рўзномасининг чиқарилишига ўрта осеъ ва Қозғонистон жумҳуриятлари раҳбарларининг уршуви қай даражада таъсир кўрсатди? Ўша уршушда Ўзбекистон билан Қозғонистон ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлигининг беш йиллик дастури кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Ана шу дастурнинг миллий тили, маданияти ва анъаналарга даҳлдор бўлган бандларнинг даставвал берсангиз?

— Даставвал шунинг айтиш керакики, рўзноманинг чиқарилиши ҳар икки жумҳурият раҳбарлари учрашуви невосити маҳсулидир. Ўшундан, дастурнинг матбаалик хизмати бўлимида «Қозоқ тилида жумҳурият рўзномасини чиқариш, Чамкентда эса ўзбек тилида вилотлараро рўзнома нашр этириш йўлга қўйилени» деган банд бор. Бунинг амалга ошиётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлишимиз. Бундан ташқари Тошкентдаги Фафур Гулом номли адабиёт ва санъат нашриятда қозоқ шоир ва ёзувчиларнинг асарларини нашр этадиган бўлим ташкил этилди. Тошкент полиграфия техникумиди қозоқ тилидаги нашрлар учун мутахассислар тайёрлаш,

жумҳурият пойтахтида қозоқ китоблари мағазини очиб қўзда тутилган. Ўзбекистон пойтахтида қозоқ таомлари ресторани ва ёшлар қаҳвахонаси очил масаласи ижобий ҳал этилди.

Ҳар икки қардош жумҳурият ижодий уюшмалари, маданият вазирликлари, илм-фан масканлари, савдо ва иқтисодиёт муассасалари ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун бир қатор тадбирлар белгиланди.

Оммавий ахборот воситалари ишига ҳам бирмунча ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон телевидениесида қозоқ тилида «Қўсатувлар» ҳамжи ойдаги турт соатта, жумҳурият радиосида эса ҳафтаига турт соатта узайтирилди. Аликсиз, Олма-ата қўсатувларини Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятига олиб кўрсатилиши қувончли воқеадир. Ана шу эзгу ниятларнинг амалга оширилишида Тошкентдаги қозоқ маданият марказини муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда миллий маданият равақи учун фидойилик кўрсатаётган Абдувахоб Дулдулов, Дамир Қолдибеов, Зухра Шарафиева сингари ҳодимлар қатор муаммоларнинг ҳал этилишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

— Маълум бўляптики, ҳар икки миллият ўртасидаги ўзаро дўстлик тобора кучурашмоқда. Ана шу ҳамкорлик ва қардошлиқнинг яна қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериши хоҳлардингиз?

— Бир пайтлар ўзбек адиблари қозоқ дўстлари билан ҳамкор ва ҳамқарор эдилар. Мен ҳозир бундай ҳамкорлик йўқ деб айтолмайман. Бироқ, қонқариб эмас. Биз расмий йўл билан ҳар хил делегациялар юборишимиз, ҳафталиклар ва ўн кунликлар уюштиришимиз, табиий. Бироқ бу фақат ташкилий ишлар. Мен хоҳлардимки, Ойбек билан Собит Муқонов, Фафур Гулом билан Мухтор Азевон, Миртемир билан Абдулла Токибоевларнинг ҳамкорликлари бугунги кунда ҳам иборат бўлиб қолса. Ҳозирги, ёзувчи ва шоирларимиз бир-бирлари билан ижодий изланишларини мустаҳкамлашлар яқин бўлади.

Шунинг айтишим керакики, Олма-ата кенгашидан кейин Чимкент вилотида Ўзбекистондан учта делегация юборилди. Яқинда шоир Миртемирнинг 80 йиллигига бағишланган тантаналарда шоир тутилган уйда унинг ёдгорлиги ўрнатилди ва уй музейи ташкил этилди.

Ҳар икки миллиятнинг севимли адиблари ўзбек ва қозоқ аҳолиси билан суҳбатлар қўришди, учрашувлар ўтказилди. Шу кунларда Ўзбекистон бўйлаб Қозғонистон маданияти кунлари давом этамоқда. Улар Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилотларида, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида қозоқ халқ оғзаки санъатини намойиш қилдилар. Шу билан тили бир, дили бир бўлган икки халқ ўртасидаги меҳр-муҳаббатни янада мустаҳкамлайдилар, деган умиддаман.

Ҳар ҳолда санъат ва маданият арбобларимиз дўстлиқнинг бошида турганликларни қувончли.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

РЕДАКЦИЯДАН: Шу кунларда «Дўстлик тузи» рўзномасига ошуна бўлиш қизғин бормоқда. Унинг индексини диққатингизга ҳавола этамиз: 64605. Рўзноманинг йиллик баҳоси 12 сўм. 6 ойда 6 сўм, 3 ойда 4 сўм, 1 сўмга бир сўм. Янги рўзномага ёзилган шоирининг.

«Навбаҳор» Польшага боради

● Урган райониди Калинин номли колхозининг «Навбаҳор» ашула ва ракс халқ ансамбли шу йилнинг сентябрида Польша, Зелена Гура шаҳрида ўтадиган фольклор жамоалари халқаро фестивалида Ўзбекистон номидан қатнашиш ҳуқуқини олди. Бу хаваскор артистларнинг хорига биринчи марта чиқишлари эмас. Улар Венгрияда, Югославияда концертлар беришган. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзмет Бекчилов «Навбаҳор» ансам-

нашиш ҳуқуқини олди. Бу хаваскор артистларнинг хорига биринчи марта чиқишлари эмас. Улар Венгрияда, Югославияда концертлар беришган. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзмет Бекчилов «Навбаҳор» ансам-

блига раҳбарлик қилади. У миллий санъатнинг моҳир ташвиқотчиси ҳамдир. Ансамблининг композициялари ва мусиқа асарларида йўқолиб бораётган анъаналаримиз, унутилган тароналар ва расм-русумлар қайтадан жонланади.

(ЎЗТАГ).

ҲАММА ИШНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Шу ерда бир масала ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи котиблари ҳақидаги масалани ўрганганимизда айнан шу шаҳар ёки райондан бўлган биринчи котиблар энг кўп ижобий баҳо олдилар. Масалан, Булунғур, Иштихон, Хатирчи, Пастдарғом район партия комитетларининг «маҳаллий» бўлмаган биринчи котиблари анча кам овоз олишди. Натияжада вилоят партия комитети вазиятга ҳар томонлама ўйлаб, партия фаолларининг фикрларини ишбаҳо олиб баҳо берди.

Илгариги вақтларда социологик тадқиқотларнинг бундай натижаларни кадрларни анча алмаштиришга, яъни уларнинг баъзиларини юқори лавозимга кўтариб, айримларига истефода чиқишни тақлиф этишга сабаб бўлиши мумкин эди. Эндиликда эса биз бундай кескин ҳусулалар чиқаришдан тийилдик.

Социологик тадқиқотлар натижаларини ўрганган эканмиз, ҳаммамизни бир ҳол ҳўшёр тортирди. У ҳам бўлса олдин ишчи ёки қолхозчи бўлган партия комитети (биро) аъзолари фаолиятининг ниҳоятда паст баҳолалинидир. Қандай қилиб бу ҳол юз берди? Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, бир нарса қўзғаб ақлол ташланди. Яъни партия фаолларининг кўпчилиги биро аъзоларининг фақат ишчанлик ва сиёсий сифатларига баҳо бериб қолмай, уларнинг қўлидаги аниқ ҳокимиятини, тутган мавқеини ҳам ҳисобга олганлар. Ахир, идеология масалалари билан шуғулланадиган ва турли хил қарорлар қабул қилинишига кам таъсир кўрсатадиган котиблар партия комитетларининг биринчи ва иккинчи котибларига нисбатан оз миқдорда ижобий баҳо олмаган бўлса керак.

Буларнинг барчаси бизни район партия комитетиди ишларни ташкил қилиш, унинг структурасини кўриб чиқиш ҳақида мулоҳаза юргизишга ундади. Чунки турғунлик даври шундай иш структурасини барпо этдики, унда биро аъзолари ўзига топширилган иш улаш-каси учун тўла масъулият билан, шахсий мулоҳазалари ҳамда тажрибасига таянган ҳолда ҳулоса чиқаролмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у биринчи шахс нима деяр экан, деб унинг баҳосига қарашга мажбур бўларди. Шундай қилиб ҳозирги пайтда ҳам эски

иккилаштириш, юқори ташкилотлар нима деяр экан деб куттиш позициясига ўтиб олиш бизга қимматга тушмоқда. Аслида бунга ҳам ўзимиз гуноҳдоримиз. Чунки, биз кадрларни алмаштирган эканмиз, ўша эски услублар ердимида шакллантирилган кадрлар резервидан фойдаланмадикми? Нимани эканан бўлсанг, шунинг ўрасан, деб бекорга айтилмаганми!

Масалан, партия кадрларини тайёрлаш системасини олиб қўрайлик. Ҳатто олий партия мактабларида ҳам таинловчилар жойларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тез-тез ўзгаришини ҳисобга олиб ҳар бир масала юзасидан аниқ ва тўғри сиёсий қарорлар қабул қилишга ўргатилмайдилар. Бунинг натижасида кўпчилик партия ҳодимлари турли хил синфлар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятини аниқ баҳолай билмайдилар, қабул қилинаётган ҳар бир қарор оқибатини олдиндан кўрабилишмайдилар. Ана шундай ҳоллар туфайли ишчимизда тез-тез мураккаб вазиятлар юзга келади.

Вилоят партия комитети кадрлар билан ишлашни ташкил қилар экан, ана шу масалаларни эътибордан четда қолдирмасликка интиляпти. Биз буннинг учун энг аввал партия комитетларининг ташкилий тузилишини, унинг иш услубини тубдан янгилашга интиляимиз. Вилоят партия комитети бундан қарийб бир йил муқаддам номенклатурага кирадиган, бироқ партиявий ишга алоқаси бўлмаган кадрларни тасдиқлаш ёки вазифасидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилиш практикмасидан воз кечган эди.

Вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари бу ҳолда кадрлар масаласини ҳал қилишга ўз таъсирини қандай ўтказаяпти? Улар биро мажлисларида ҳар бир кадр сайлантуига ёки таинлантуига қадар бу масалага ўз муносабатларини билдирувчи тавсиянома ишлаб чиқадилар. Эндиликда кадрлар масаласини ҳал этиш одадга сайлов натижаларига боғлиқ. Чунки, кадрларни улар сайланган ёки таинлангандан кейин бирода тасдиқлаш бюрократия қорғозбозлиқдан бошқа нарса эмас. Мен аввало, кадрларнинг сиёсий жиҳатдан билимдонлигига, ишбилармонлигига ва ниҳоят, касб маҳоратини нечоғлиқ эгаллаганлигига алоҳида эътибор бераман. Дарҳақиқат, касб маҳор



Суратқаш Т. КАРИМОВ.

• Нуқтаи назар

ҚИШДА ИЗИЛЛАБ ҚОЛМАЙМИЗМИ?

кучларни ва имкониятларни шу жабҳага сафарбар этиб, аҳолини тозда ўнглаб олиш мумкин бўлар эди. Бироқ кўпгина соҳаларда қишга тайёргарлиқнинг сурати паст. Жумладан, вилоят бўйича 136 та мактабнинг атиги 38 таси, 78 та мактабга болалар муассасаларининг учдан биринига ремонтдан чиқарилгани аниқланди. Бу муассасаларнинг таъминоти, суяк ёқилги, кўмир фондлари билан таъминлаш соҳасидаги ишлар ҳам ўйда-жўдалигича қолмоқда.

Аҳоли жумҳуриятининг бошқа жойларида яхшироқдир, деб ўйларсиз. Йўқ, бошқа вилотлардаги қишга тарадду ишларида камчилик ҳамда нуқсонлар етарлича топилади. Кўпгина тармоқларда қоронларнинг қузи-қиқиқи масъумида барқарор ишлатиш учун зарур ёқилги билан таъминлашга эътибор берилмаган. Мавзуд омондорлардаги идишлар ёқилги билан тўлдирилмаган. Бу, айниқса, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив комитети ҳўжаликларида, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал ҳўжалиги ҳамда жумҳурият Енгил санает

вазирликлари корхоналарига тааллуқлиқ танқид. Ўзбекистон паррандачилик санаети бирлашмасининг кўпгина корхоналари, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати, Андижондаги Ленинск принципал заводи, Наманган қиммат заводида ҳам қишки масвум учун ёқилги тайёрлаб қўйишга бефарқ қаралмоқда.

Қишда уй-жой биноларини, корхона ва муассасаларни иситишга хизмат қиладиган қозонхоналар қурилишининг ҳозирги аҳоли талабга жавоб бермайдилар. Аввало, бу тармоқдаги қурилиш ишларини ташкил этишдаги қоқоқлик панд бермоқда. Қолаверса, қозонхона ускуналарини таъмирлаш соҳасидаги ўзибўларлиги ишининг белиги телмоқда. Мавзуд қозонлардан 10 тасинигина капитал ремонт қилиш кўзда тутилган. Шу чоққача уларнинг ҳам атиги ярмичиси ремонтдан чиқарилган холос. Қолганларида иш қачон бошланадими, улар қачон қузи-қиқиқи масвуми тахт қилинади? Бу соҳада «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Среднеагропром», «Ўзбекгидроэнерго» трестлари ва бошқа муассасалар алоҳида ғамхўрлик қилишлари зарур, токи қишда аттанг деб қолмасликлар.

Итимоий-иқтисодий соҳадаги ҳозирги вазият корхоналарнинг қишда ҳам бир меъёрга барқарор ишлашни тақозо қилиб турбиди. Вазият шундай экан, уларни қузи-қиқиқи

масвумга пухта тайёрлаш лозим. Бирор корхонада ёниги етишмаслиги, чакка ўтиши ё иссиқ сув танқислиги рўй бергудек бўлса, табиийки, бу ишлаб чиқариш маромига жиддий таъсир кўрсатади. Корхоналарнинг бир меъёрга маҳсулот бериб турлини таъминлаш ҳамда ишчиларга етарли маош шартнолар муҳай қилиниши учун қолган ғанимат фурсатлардан оқилона фойдаланиб, масвум тараддуи соҳасида йўл қўйилган қоқоқликка барҳам бериш чораларини кўриш зарур.

Қишга тайёргарлик ишларининг суст бораётганида моддий-техника таъминоти соҳасиди камчиликлар баҳона қилиб кўрсатишмоқда. Тўғри, бундай камчиликлар бор. Уларни ҳеч қим инкор этмайди. Лекин, масвумга ҳозиркининг тизги паллага кирганлиги бундай қийинчиликларни бартаф қилишда омилкорлик кўрсатиш талаб қилинмоқда. Мавзуд имкониятлардан унутили фойдаланиш, ишни пухта ташкил қила билиш, ремонтчи ишчиларга ғамхўрлик кўрсатиш даражасини ошириш муҳим роль ўйнайди.

Масвумга тайёргарликда тизги ишларни адо этиш учун бир ой мўддат белгиланмоқда. Ана шу мўддат моддий-техника ресурсларини, бутловчи буюмларни вақтида етказиб бериш юзасидан тегишли ташкилотлар олдида катта вазифалар қўяди. Бу — Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ресурслар билан таъминлашни раван изга солишига ҳам боғлиқ. Бу, уй-жойларни ремонт қилиш, энергетика тармоқларининг соз ишлашни таъминлаш, корхоналарнинг юқори суръат билан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишда ҳам қилувчи роль ўйнайди.

Қилиниши алағочлаб киши келяпти. Бу масвум пухта тарадду талаб қилиш тажрибадан маълум. Шунинг учун корхона-е-ю ташкилотлар, меҳнат жамоаларига тармоқ вазирликлари, бу жабҳадаги аҳолини чуқур тахлил этиб, белгиланган тадбирларнинг вақтида пухта адо этилиши устидан таъсирли назорат ўрнатишлари лозим. Токи, қишда изиллаб қоладиган бўлмайлик!

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарриратининг бўлими мудир.

Я К Ш А Н Ъ А С А Х И Ф А С И

• Мозийдан дарак

Шарқнинг қадимий шаҳарларидан Термиз IX—XI асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуклар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибда бўлган. 1220 йилда муғуллар истилоси даврида айрон этилиб, 1407 йилда Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон (1381—1411) томонидан қайта тикланган. Термиз — ўнлаб мутафаккирлар ватандир.

Ўн икки Термизий

Абу Исо Термизийдан кейинроқ яшаган, III аср ҳижрий йил бошларида (IX аср ўрталарида) Термизда туғилган. Ёш-лигидек тафсил, ҳақиқ ва ис-лом қонуночилиги (фикх) илмларини ўрганади. 28 ёшида ҳаж қилиб, тасавуфга мойил бўла бошлайди, ҳаждан қайтгач тасавуфнинг тарғиб қилади. Фикх, тафсири, ҳадис соҳаларида самарали ижод қилишга ки-ришади. Унинг «Хатм-ул-авалин» китобида таъкидлашча, 285/898 йилда она юртини ташлаб кетди ва Нишопурда яшайди. У махсус дарвишлик тариқати «Ал-Ҳақимийяга» асос солган. Ўз даврида ни-ҳоятда машҳур бўлиб, унга эр-ғашувчилар жуда кўп бўлган. Улар орасида энг кўзга кўрин-гани ва ундан 300 йил кейин яшаган Мухиддин ибн ал-Арабийдир.

Ҳақим Термизийнинг аниқ вафот этган йили номалум. Ибн Ҳожар ал-Асқалоний-нинг айтишича, у 318/930 йили ҳаёт бўлган. Бозни манбаларда кўрсатишича, 320/932 йили Термизда вафот этган. Шам-суддин аз-Заҳабийнинг 673 (1274) — 748 (1348) «Дуал ал-ислом» китобида кўрсатиши-ча, Ҳақим Термизий 80 ёшда вафот этган. Оқ мармардан ишланган мақбараси Амударё қирғоғида ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Машҳур ҳозирги турк шарқ-шунос олими Фуот Сезгин ўзи-нинг араб мусулмон адабиёт-ига бағишланган немис тилида нашр этилган кўп жиллик асариде Ҳақим Термизийнинг тарих, фалсафа, фикх ва та-савуф соҳасида 80 та асарини кўрсатган, улардан баъзи-ча етиб келган қўлзмалари ва босма нашрларнинг рўйхати-ни бериб кетган.

Улардан энг муҳимлари:

- «Китоб ан-наҳи» (Йўл-йўриқ китоби);
- «Китоб ал-форуқ» («Аллоҳ-дан қўқувчилар ҳақида ки-тоб»);
- «Хатм ал-вилоят» («Валий-лик муҳри»);
- «Наврузнома Хожа Ҳақим Термизий».

Термизий бу асариде муҳал-лий ҳисоби билан деҳқончи-лик ва эришар ишлари, табиий офатлар, об-ҳаво шароити, ф-роқонлиқ, туғилиш ва вафот этиш масалаларини, вриган. Бу китобнинг учта қўлзмаси

• Спорт • • Спорт •

БИР ЎЙИНДА САККИЗТА ТЎП

Агар Краснодарнинг «Ку-бань» футболчилари биринчи даража ўтказилиши лозим бўлган учрашуга келолмай, ўйинни кечиктиришмаганда ҳар қайсида имкониятини бой бермаган бўлардилар. Босни, Краснодарликлар вақтида кел-магани учун маълумият эзил-ганида, «Кубань» бор-йўри ик-кита очко йўқтарди, холос. Ўтган кунги ўтказилган учра-шувда эса маҳмонлар ўз дар-возаларидан олтига тўп ўт-казиб, яна қўш очко йўқотиш-га мажбур бўлишди.

Умуман, ўйин бошида «Ку-бань» футболчилари бўш кел-ишмади. Тўртинчи минутда А. Пижук ҳисоби очди. Шун-дан кейин майдон эгалари бироз ҳушёр тортишди. Ора-дан 8 минут ўтгач, моҳир тўп-урар И. Шевкин дарвозани нишонга олди. Яна 12 минут

Ўйинлар жадвали кўриниши					
Металлург	15	9	3	43-18	39
Спартак	15	8	4	52-21	38
Пахтакор	16	5	6	52-32	37
Шинник	14	5	8	38-27	33
Локомотив М	12	9	5	30-17	33
Динамо Ст	13	6	8	35-26	32
Нистру	9	9	9	29-32	27
Шахтёр	10	6	11	31-34	26
Динамо Сх	10	6	9	16-21	26
Геолог	9	7	11	25-32	24
Нефтичи	8	9	9	36-33	25
Локомотив	8	9	10	25-35	25
Ростсельмаш	8	7	12	26-39	23
Зенит	7	9	11	29-30	23
Кайрат	7	9	11	28-34	23
Таврия	5	13	9	21-35	23
Котайк	7	8	12	25-32	22
Тирас	7	8	12	20-36	22
Кубань	7	5	15	18-38	19
Кузбасс	4	5	16	17-34	13

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ бир ривоят бор. Бемор силлани қуриётта-нини, кўп қаңғайётганини айтиди. Табиб беморнинг томи-рини қуради ва сопол липотчага солиган лепобини охи-тобга қўяди.

Пешоб бўганиб кетган, ли-кобчага арилар қўна бошлай-ди, бориб қараса майда кри-сталлар ҳосил бўлибди. Шунда табиб: «Сен қанд касалига мубтало бўлибсан» — деб ди-агноз қўяди. Муолажани бундай белгиланган: зики, қўй, ситир сутларидан ивтиб зар-добнинг ажратасан, кейин бир қайнатиб олиб, совутасан ва

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси Шарқшунослик инсти-тутида сақланмоқда.

1. «Ҳожа Абу Абдуллох Му-ҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан [ибн ал-Ҳасан] ибн Бишр ал-Ҳаким ат-Термизий.
2. Абу Исмоил Мухаммад ибн Исмоил Термизий (893 йили вафот этган).
3. Абу Музаффар Термизий — ўз даврининг машҳур шай-х, тасавуфчилардан.
4. Абул Ҳасан Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайд Термизий (IX асрда яшаган фикх ва ҳа-дис олимларидан).
5. Мавлоно Абул Ҳасан Али Фарруҳий Термизий (1037 йили вафот этган) — машҳур шоир.
6. Ҳаббон ибн Мухаммад Термизий (XI асрда яшаган) — машҳур олим.
7. Солих ибн Мухаммад ибн Наср Термизий.
8. Адиб Собир Термизий Ши-ҳобиддин ибн Исмоил (1151 йили вафот этган) — машҳур шоир, форс тилида ижод этган. У зилим амир деб ном чиқар-ган Термиз амира Ахтити май-парастлида айблаб, ҳажвия эзган. Султон Санжар (1118—1158) саройида Марвада ҳам яшаган. Умрининг охирида Хо-размда яшайди ва Хоразмшоҳ Озтис (1127—1156) унинг оёқ-қўлини боғлаб, Амударёга қўй-тириб юборади.
9. Жалолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий — машҳур фалакийчи олим.
10. Аловуддин Термизий. Сайид лақаби билан машҳур (XIII асрда яшаган) — у ҳам замонасида фикх ва ҳадис ил-ми билимдонларидан эди.
11. Умар ат-Термизий ас-Су-фий (1454 йили вафот этган) — тасавуф олимларидан.
12. Абдуллох Термизий (1627 йили вафот этган) — шоир ва ҳатто. Восифий тахаллуси билан шэр эзган. Асли Тер-мизлик. Ҳиндистонга кетиб Жа-хонгир (1605—1627) саройида яшаган ва бир қанча назмий асарлари мавжуд. 1035—1626. Ҳиндистонда вафот этиб, Гагра шаҳрида дафн этилган.

Мен бу ерда ҳозирча аниқ-лаганим фақат термизлик 12 олим ва адиб номини зикр қи-либ ўтдим. Уларнинг асарлари-ни йиғиш, ўрганиш ва чоп этиш келгусидаги вазифамиздир.

Исмаилов АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари док-тори, профессор.

• Хотира



Ғаним гар қимда бор,
Ғаним, Ғаним,
Ғанимда йўқ ғаним манин.
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Дўсту ёрда вафо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир,
Усмон Носир...
Жонингдан айланай,

Шоиринг кўп экан,
Кўрдим.
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Улардан бир садо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир,
Усмон Носир...
Мухаммад ЮСУФ.

Айни пайтда шоир меъроси-га эътибор катта. Нодира Ра-шидова сақланиб қолган ҳуж-жатларини ўрганиб, қатор ма-ълумотларини тўплаймоқда. Кутп-маганда тергов ҳужжатлари орасидан ўша семмли шоир Усмон Носирнинг ҳеч қимга маълум бўл-маган сурати чиқиб қолди.
Бундан тахминан олтимиш йил-лар олдин олинган бу суратда шоирнинг ажиб нигоҳи қақнаб турибди. Усмон Носир ҳаёти ва ижоди саҳифаларини ана шу сурат билан мазмунан янада бойиса ажаб эмас.

А. ПУЛАТОВ.

Қадриятларимиз

Зокржон Фуқрат Еркен-да истиқомат қилар экан, мар-қонлиқ дўсти Тошбоғу-нинг она юртва қайтишни илтижо қилиб эзган мактуби-га жавоб йўларкан, бу кут-пуг мақсадим амалга ошириш йўлидаги кўпдан-кўп тўсиқлар ҳақида гапирган, жумладан:


Худо бермиш кики фарзанд:
• Нозимжон, Ҳокимжон,
Қачон бўлғай кўнгул

Бу кўзи қаролардим,
деб эзган эди. Чиндан ҳам шоир Еркенда Енахон исмли уйғур аёли билан турмуш қур-ган. Ундан туғилган фарзанд-ларидан Нозимжон, Ҳоким-жонлар мактуб эзилган даир-да [1903 йил] жуда ёш бўлиб, ота меҳри ва тарбиясига ни-ҳоятда муҳтож эдилар.

Орадан олти йил чамаси вақт ўтгач, Фуқрат ҳаётдан қўз юм-ди. Енахон бошқа эрининг эза-гини тутиб кетди. Дарба-дарлик туғайли илм чашмаси-дан олиб тушган фарзандлар падаври бузрук Фуқратнинг сеҳрини шэрларидан ҳам баҳ-ра топадиган алфозда эмасди-лар.

Улар улғайиб, оилалик, бола-калик бўлганларидан кейин ҳам не-не замонлар ўтиб, 50-йиллар охирида Фуқрат тавал-лудининг 100 йиллиги муҷу-риятимизда кенг нишонлан-диган бўлди.

1958 йил баҳориде «Ўғулкан журнали тахрир хайъатидеги Фуқратсевар фойдалилар та-ҳаббус билан Еркенд вилоят-ни халқ кўмитасига мактуб йўл-лаб, шоирга алоқадор нарсал-лардан воқиф этишни сўраган эдилар. Вилоят халқ кўмитаси ўша йили 18 августда журнал



тахрир хайъатига мактуб эзиб, бир қанча маълумотлар бер-ган ва Фуқратнинг ким фар-занди биргаликда тушган су-рат Алишер Навоий номи-даги адабиёт музейида сақлан-моқда.

Шариф ЮСУПОВ.

• Одобнома

САБР, ҚАНОАТ ВА УМИД

• Сабрининг аввали аччиқ, охири эса ширин!

• Билгилки, сабрда ҳосият ва манфаат кўп. Сабр шундайки, мусибат ва бало ай-ёмиде дол-фаред қилинмайди, қовоқ со-линмайди, юз ўзгаририлмайди. Унинг яна бир қўрилиши шундайки, одамлар орасида бечораликдан шикоят қилинмайди, тоғат ва чидам йўлини тутайди.

• Сабр бу — барча меҳнат ва оғир-лиқни енгиш ва чидашдир. Вечора ва но-чор бўлса-да, ўзини бадавлат қилишдек ту-тиш, қўрилиш қимсага аҳволи ҳақида ши-коят қилвермаслик, гами айёмда ҳам ўзини хандон ва очик юзли қилиб қўрсат-тишдир.

Мухаммад ЖАВАЛРУДИЙ.

• Қаноат одамларнинг фазилатидир. Аммо қаноат қилиш ризқ кидириш ва насб билан шуғулланишдан тийилиш дегани эмас. Балки насб тўғрйли топан нарсаси-га шукр қилиш ва ортинчасида интилас-ликдир. Қаноатли одам доимо заифат қи-лди ва завуқ сафо орасида юрган қабилдир. Чунки қаноат йўлини тутган одам ҳар на-сага қайғу-ғам чекавермайди. «Фалончи унй олибди, пистончи буни олибди, мен

ҳам олишим керак, нега унда бўлади, мен-да бўлмайди», деб жонини қойтавермайди. Мухаммад ҲУСАИН.

• Сўрадилар: «Қаноат нима?» Айтиди: «Бировларнинг қўлидаги нарсани қўриб, маънос бўлмаслик. Тамағирликдан қочиб, чунки тамағирлик албатта қамбағаллик са-ри етаклайди».

• Машҳур Юнон исмли ҳақимнинг ол-дида бир киши: «Инсон учун ўз орасига етишдан кўра буюқ саодат йўқи» деб қол-ди. Шунда Юнон унга: «Оз-кўлга қаноат қилиб, яшайдан кўра буюқроқ бахт йўқи», деб жавоб берди.

Мухаммад ЗАХИЙ.

• Ҳақимларнинг айтишича, қийинчи-лик пайдо бўлганда доду фарёд қилиш ўр-нига ва бу воқеадан дўсту душманларни хабардор қилишдан кўра, сабр ва чидам йў-лини иктиёр қилиб, қаноатни шир қилмоқ-яқши. Негаки, бундан хабар топан дўст-ларнинг қўнглига хижолатлик тушайди, душманлар эса хурсанд бўлади. Шунинг учун чидам йўлини тутиб, бу балодан қан-дай қўтилиш йўлини ўйлаш керак.

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.

(М. Ҳасанининг нашрга тайёрланаётган «Одобнома» китобидан).

таппа-тақ қолдиради.

• 5. Қайнатиб совутилган зардобга янги гўштини бости-риб қўйилса, бир неча кунгача айнамайди. Таъми янада яхши-ланади.

• 6. Икки литр зардобга 0,3 килограмм қўй гўшти, бир бош пизэ ва икки дона шол-ғом солиб қайнатма шўрва тайёрлангунча, қандай ҳузур қил-лар экансиз.

• 7. Зардоб ачиб қолган бўлса, унй интиб сочларни ва юзларни ювинг, фойдали бўла-ди.

Нарим МАХМУДОВ.

• Шарқнинг буюк мутафаккири Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Са-марқанд дорилфунунда астрофизика кафедраси очилди.

УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИ

12 нафар профессор-ўқиту-чи ва 27 илмий ходим бобока-лонимизнинг фазо илмига оид меросини ўрганиш ва улардан талабаларни ҳам хабардор этиш мақсадида меҳнат қил-моқда. Кафедранинг таъриба ва ўқув лабораторияси бор. Дарвоқе, кафедра учун алоҳи-да бино ажратилди ва унинг кириш қисмида алломанинг бюсти ўрнатилди.

— Фазо илмининг султони

Улуғбек меросини ўрганиш қизгин давом этмоқда, — дейди кафедра мудри, про-фессор Б. Махмудов. — Ҳо-зир 1993 йилда ЮНЕСКО би-лан ҳамкорликда ўтказилади-ган симпозиумга тайёргарлик кўриляпти. Улуғбек меросини тадқиқ этиш бўйича тўплам таёрляляпти. Дарвоқе, тўп-ламда талабаларимизнинг ҳам иламинишлари ўрин олади.

• Вилоят давлат таъминоти бошқармасининг тижорат марказида саноат маҳсулотлари Бутун-иттифоқ армаркаси иш бошлади.

ТИЖОРАТГА КЕНГ ЙЎЛ

Унда мамлакатимизнинг 29 шаҳридан, бундан ташқари Гонконгнинг «Тексана» фир-маси вакиллари иштирок эти-моқда. Чет эллик меҳмонлар бизга ўзлариде тайёрланган кишлоқ ҳўжамли учун ихчам машиналар, видео-радио уску-налар ва қўрилиш материал-лари ишлаб чиқарадиган ме-ханализмлари таклиф қилиша-ятти.

Ярмарканинг мақсади Са-марқанддаги корхоналарнинг

бошқа регионлар, жумладан чет эл фирмалари билан ик-тисодий алоқаларини мустақ-камлашдан иборат. Завод ва фабрикалар ўзлари учун ке-ракли жижралар, технологик линиялар харид қилапти. Шу билан бирга ўш маҳсулотлари-га харидор ҳам топилди. Дар-воқе, бундай тадбирлар ша-ҳарда тез-тез ўтказилиб тури-либди. Кейинги пайтда ярмар-када Франция ва Германия Федератив муҷурияти вакил-лари ҳам қатнашдилар.

• Советобод районида «Нагорная» санаторийси иш бошлади. У ҳудди шу ерда фойлият қўрсатаёт-ган сув билан даволаш шифохонаси базасида таш-қил қилинди.

ШИФО МАСКАНИ

Эндоликда санаторийда фа-қат бел оғриги ва асб касал-лига налингиларгина эмас, балки тери-таносил, қўл-оёқ оғ-

риги ва гинекологик хасталик-ларга учраганлар ҳам даво-ланишмоқда. Табобат ишлари асосан родон шифобахш су-

УЧ ТОМИР

• «Қорақалпоғистон» нашриёти ана шундай номда Қорақалпоқ, Хо-разм ҳамда Туркменис-тон ССРнинг Тошқовуз вилояти ёзувчилари асар-лари жамланган 22 табоқ ҳажмида «Уч томир» китоб-ини чоп этди.

Китоб 80 нафардан кўп-роқ шоир ва ёзувчининг она-Ватан, суқули дивар, тинчлик ва қардошлиқ, ибратли қўшни-чилик, севги-муҳаббат ҳамда садоқат ҳақидаги энг яхши шэр ҳамда ҳикояларидан ибор-ат бўлиб, ўзбек тилидаги асарларни истеъодли қора-қалпоқ таржимонлари ўз она тилига маҳорат билан ўғириш-ган.

Нашриётнинг дўстлик таро-налари мадҳ этилган бу қим-матли тўхфалардан Хоразм ва Тошқовуз вилоятлари китоб-хоналари ҳам мамнун бўлишди. Улар бу китобни ўзбек ва туркман тилларида ўқши ист-гани билдиришмоқда. Фақат бу истакни Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР ёзувчилар уюшмалари ҳамда тегишли нашриётлар мутасаддилари қўллаб-қувватлашса бас.

Қ. БОБОЖОНОВА.

ав, физиотерапия, игна билан даволаш орқали олиб бориляпти. Энг муҳими, санаторий энг замонавий тиббий ускуна-лар билан жиҳозланган. Ҳозир-ча бу ерда 300 бемор соғли-гини тикляпти. Келгусида ўринлар сони мингтага еткази-лади.

Ф. ТОШЕВ.

«Совет Ўзбекистони» муҳби-ри.

• Ҳажвия

ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧДИ

Бу воқеа узок йили, кишлоқ Шўросида гў-дақларга гувоҳнома берадиган бўлимда иш-лаб юрган пайтимида рўй берганди. Хонамга бешанг кийинган йигит ва қўлиқина аёл ки-риб келишди. Йигитнинг қўлида йўрқалганг гўдак.

— Бе, Нозимжон қўямизми? Келиб-келиб, қўшимиз Нозим акага ўхшаб ўқитувчи бў-син-а? Ҳеч қачон оқармасин-а, ўшаларга ўх-шад, тунох кунни хотини мени қўриган тўртта тўхум кўтариб кепти. Яхшиси Шермат қўяй-лик, харқайли ревизор, «Жигули»си бор.

— Э, қўйсангчи ўшани, ақинда хотин усти-га хотин олгани учун ишдан ҳайдалибди. Ях-шиси, Мухиддин қўямиз. Мухбир ўртоғини бор-ку. Уни қўрс раис ҳам оғви қўйган товўқдек типирчилаб қолди.

— Пуф, нафасингизни ел олсин. Ахир у усти ялтирок, ичи қалтироклардан-ку. Уни чол-дворга ўхшайди. Қолаверса, қўли қалталигидан то ҳозиргача сўққабос юрибди. Ундан кўра Аҳмадқул қўямиз. Морожиники бор-ку. Уни қасрга ўхшайди. Яқинда «Волга» олармиш.

— Яхши фикр. Аҳмадқул бойликка бой, ле-кин ҳеч галстук тақиб, қаддини тик тутиб юрмаяпти. Шундай қилиб юрса ҳам, барибир Аҳмадқул морожиники бўлиб қолавереди. Унинг ўрнига Уроқов қўя қолсан-ки, жуда хуноқ эшитиледи. Лекин қўшн кишлоқдаги Уроқов ака ғишт заводининг директори. «Волга»си бор. Обўрўси шунга яраша.

Йигитнинг бу фикрига хотини ҳам бақони-дил қўшилди. Шу билан ҳикоя тамом деб ўй-лаганди. Лекин бир ой ўтар-ўтмас ўша та-ниш эр-хотин яна ҳўзуримга ташир боу-ришди.

— Жон ака, — деб ялинишарди улар. — Уроқовини ҳеч бўлмаса Уроқбойга ўзгари-риб беринг. — Қўшн кишлоқдаги Уроқов дегани ғирт порохўр экан, биллабмиз, қамал-либди.

Улар қанча ялинишасин, исмини ўзгари-риб беришга ожиз эдим. Ахир ғишт қолип-дан кўчганди-да.

Мўйдин СОБИТОВ.

ОБ-ҲАВО...

Ҳафта мобайнида Ўзбекистон вилоятларида қуруқ ва илиқ ҳавонинг сақланиши кутилади. Кучсиз шамол эсиб туради. Ҳарорат кечалари 12-17, кун-дузлари 30-31, Қашқадарь, Сур-хондарь, Бухоро вилоятларида кечалари 15-20, кундузлари 32-37 даража атрофида бўла-ди. Фақат, ҳафта ўрталарида бориб, муҷуриятимизнинг ши-молий ҳудудларида ҳарорат бироз пасайиши мумкин. Ле-кин ўртача ҳарорат ҳафта мо-байнида меърида бўлади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш, табиий тиклаш ин-ститути мутахассисларининг фик-рига қараганда ҳафта мобай-нида ҳавонинг авзойи инсон саломатлигига кам таъсир қўрсатади. Одамлар деярли ўзларини тетик ва барқарор сезадилар. Зарур бўлганда ҳам дорн-дармонлардан фой-даланиш ажи нохушлиқ олди-ни олишга интилишдан кўра, об-ҳавога мослашиш, танани чиниктиришга кўпроқ эътибор қилинса, мақсадага мувофиқ бўлади. Бунинг учун эрта тонг кезлари сабр этиш, очик ҳаво-да кўпроқ ўриш мақсадага му-вофиқдир. Фаол жисмоний ҳа-ракатлар эса киши руҳини кў-тариб, гайратига-гайрат қўша-ди.

• ЭШИТМАДИМ ДЕМАНЛАР

Уриниб кўринг

Одамлар иккамаларни ўйлаб топишмайди-а. Англиялик Р. Дали ҳам тиниб-тиничмаслар-дан чиқиб қолди. У рўзгор холодийлигиндан бошқа мақ-садларда фойдаланиши мум-кин, деган ҳулосага келди.